O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani
HOKIMI

Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
Самарқанд тумани
ҲОКИМИ

# QAROR - ҚАРОР

2007 yil «19» май № 528-К

«Фукаро Мухаммадиев Усмонга агрокимиё-сервис, ветаптека, автомобилларни ювиш устохонаси ва хужалик моллари савдо дукони куришга рухсат бериш тугрисида.

Узбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 36 ва 22 моддаларига асосан туман хокимининг 2007 йил 17 мартдаги 122-К сонли «Фукаро Мухаммадиев Усмонга тумандаги «Кишхужмехмахсусйигиш» ишлаб чикариш бирлашмасининг 0,95 га ер майдонидан фойдаланиш хукукини утказиш хакида» ги карори, туман ер танлаш хайъатининг далолатномаси хамда фукаро Мухаммадиев Усмоннинг туман хокимлигига ёзган аризасини инобатга олиб

К А Р О Р К И Л А М А Н:

1.Фукаро Мухаммадиев Усмонга туман хокимининг 2007 йил 17 мартдаги 122-К сонли карори асосида фойдаланиш хукуки утказилган 0,95 га ер майдони худудидан 410 кв.м. да агрокимиёсервисветаптека, автомобилларни ювиш устахонаси ва хужалик моллари билан савдо килиш дукони куриш учун туман ер танлаш хайатининг тузган далолатномаси тасдиклансин.

2.Фукаро Мухаммадиев Усмонга агрокимиёсервисветаптека,автомобилларни ювиш устохонаси ва хужалик моллари билан савдо килиш дуконини куришдан олдин катъий равишда Узбекистон Республикаси «Шахарсозлик кодекси»нинг 8, 39, 54 моддаларига амал килган холда архитектура талаблари топшириги (АРТ), лойиха смета хужжатларини тайёрлаб Давлат курилиш экспертизаси ва давлат архитектура курилиш назорат инспекцияси руйхатидан утказиш юклатилсин.

3.Ушбу карорнинг бажарилишини назорат килиш туман хокимининг биринчи уринбосари вазифасини бажарувчи М.Турсунов зиммасига юклатилсин.

Туман хокими: Б.Садуллаев